


## Жаҳжоҳ деган одам подшоҳ бўлмагунича кеча-кундуз йўқолмайди



05:45 / 13.09.2024 3382

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيُرُهُ يَبَا نَع  
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبِّنَلَا نَع هُنَع  
بَهَدَّتْ آلُ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع  
يَّتَحَّ يَلَّيَلَّ لَأَوُمَّيَّ آلَا  
هُلُّ لَأَقِي لُجَرَ كَلَمِي  
مَلْسُمُ هَاوَرُ . «هُجَّ هَجَلَا  
آلُ «: هُظْفَلَوُ يذِمَّرْتَلَاوُ

يُتَحُّرُّ رَأَهُنَّ لَأَوْ لِيْلَلِ ابَّهَدِي  
لَأَقِي يِلْأَوْمَلَا نَمُّ لُجَرَ كَلْمِي  
«هُجَّهَجُّ هَلْ».

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Жаҳжоҳ деган одам подшоҳ бўлмагунча кеча-кундуз йўқолмайди»**, дедилар.

*Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

Термизийнинг ривоятида:

«Озод қилинган қуллардан бўлган Жаҳжоҳ деган одам подшоҳ бўлмагунча кеча-кундуз йўқ бўлмайди», дейилган.

هُلَلَا يَلَّصِي بِنَلَا نَعُّ هَنْعَو  
مُوقَاتِ أَلْ «: لَأَقِي مَلَسَو هِيَلَع  
لَتَتُقَاتِ يُّتَحُّ هَعَّاسَلَا  
نُوكَاتِ، نَاتَمِي طَعِنَاتِي فِ  
هُمِي طَعُّةً لَتُقَمِ أُمُّهُ نِيَبِ  
تَغْبِي يُّتَحُّ وَهُدِحُّ أُمُّهُ تَوَعَدُ

نَمْ بِبِيرَقٍ ، نَوْبُكَ نَوْلُجَادٍ  
هَنَا مُعْزِي مُهْلُكَ نِيثَالَت  
ضَبْقِي يَّتَحَوِ ، هَلْ لَأُلُوسَر  
لَزَالْزَلَا رُتْكَتَ وَمُلْغَلَا  
رَهْطَتَ وَنَامْزَلَا بَرَاقَتَيِ وَ  
وَهُوَ جَرَهْلَا رُتْكَيِ وَ ، نَتِفَلَا  
مُكَيِ فَرُتْكَيِ يَّتَحَوِ ، لُتَقُلَا  
مُهَيِ يَّتَحَضِي فِي فِ ، لَامَلَا  
لَبْقِي نَمَلَامَلَا بَر  
هَضْرَعِي يَّتَحَوِ ، هَتَقَدَص  
هَضْرَعِي يَدَّلَا لُوقِي فِي هَيَلَع  
يَّتَحَوِ ، هَبْ يَلَبْرَأَا لِهَيَلَع  
يْفُ سَانَلَا لَوَاطَتَيِ



وَهُوَ عَسَلٌ لَّائِمٌ مَّوْقَتٌ لَّوْ  
يُقْسِي الْفُضُوحَ طِيْلِي  
دَقْوَةٌ عَسَلٌ لَّائِمٌ مَّوْقَتٌ لَّوْ  
الْفِهِي فَيَلِي هَتَلْ كَأَعْفَر  
ةً عَبْرًا أَوْر. «أَهْمَعُ طِي

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Қуйидаги ишлар бўлмагунча Қиёмат қойим бўлмайди:**

- даъвоси бир бўлган икки улкан гуруҳ ўртасида катта уруш бўлмагунча;
- ўттизга яқин каззоб дажжол чиқиб, ҳар бири ўзини Аллоҳнинг Расули деб даъво қилмагунча;
- илм кўтарилмагунча;
- зилзилалар кўпаймагунча;
- вақт тез ўтадиган бўлмагунча;
- фитналар зоҳир бўлмагунча;
- ҳараҳ, яъни қотиллик кўпаймагунча;
- орангизда мол-дунё кўпайиб, тўлиб-тошиб, мол эгаси садақани кимга бериш ҳақида ташвишланиб, уни бировга таклиф қилса, таклиф қилинган одам «Менинг у билан ишим йўқ» демагунча;
- одамлар бино қуришда кимўзарга ўтмагунча;

- бир киши бошқа бир кишининг қабри ёнидан ўтаётиб, «Қанийди, унинг ўрнида мен бўлсам», демагунча;

- қуёш мағрибдан чиқмагунча: у мағрибдан чиққанда барча одамлар иймон келтирадилар, ана шу «Ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермайди»[\[1\]](#) дейилган пайтдир.

Қиёмат қойим бўлганда икки киши ўртада кийимларини ёяди, лекин уларни савдолашишга ёки йиғиштиришга улгурмай қолади;

Қиёмат қойим бўлганда киши туясининг сунтини соғиб келади, лекин ичишга улгурмай қолади;

Қиёмат қойим бўлганда киши ҳовузини тузатади, лекин ундан сув ичишга улгурмай қолади;

Қиёмат қойим бўлганда киши луқмасини оғзига олиб боради, лекин ейишга улгурмай қолади».

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Қиёматнинг ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган аломатларининг баъзилари содир бўлган, баъзилари содир бўлмақда, баъзилари эса энди содир бўлади.

Шунингдек, бу ҳадиси шарифда Қиёмат ҳеч ким ўзининг қилаётган ишини охирига етказа олмайдиган даражада тез қоим бўлишига ҳам эътибор қаратилмоқда.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**

[\[1\]](#) Анъом сураси, 158-оят.